
МАРҒИЛОНЛИК АБИДОВЛАР ОИЛАСИ УЙЛИ БЎЛДИ

Марғилон шаҳар Ободонлаштириш бўлимида ишчи вазифасида меҳнат қилиб келаётган фуқаро Рихсихон Абидова Марғилон шаҳар “Ипакчи” маҳалла фуқаролар йиғини “Байрам” кўчасида жойлашган давлат тасарруфидаги 1 хонали (барак) уйда истиқомат қилиб келаётган эди.

Хонадон 1 хонали бўлганлиги сабабли Р.Абидованинг 3 нафар вояга етган ўғил фарзандлари шаҳардаги Меҳрибонлик уйида вақтинча яшаб туришга мажбур эдилар.

Фуқаро Р.Абидованинг шаҳар ҳокими қабулига келиб уй-жой масаласида қилган мурожаати оилавий яшаш шариитидан келиб чиққан ҳолда ўринли деб топилиб, Марғилон шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу оилага шаҳардаги “Истиқлол” маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйнинг давлат тасарруфидаги 2 хонали хонадони яшаш учун бириктириб берилди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-10-09 11:45:17